


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази директори**

 **Ф. Тожиев**

2022 йил **“8 феврал”**

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

**2022 йил учун “Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий, илмий
журналини чоп этиш юзасидан бажарувчи ташкилотни аниқлаш.**

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази.

Тошкент - 2022

1. Танлашда иштирок этувчилар учун умумий қўлланма

1. Умумий тавсиф.	<p>1.1. Мазкур танлаш ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) ҳамда шунга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойихаолди, лойиха, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3550-сон қарори (кейинги ўринларда Қарор деб юритилади) талаблари асосида ишлаб чиқилган.</p> <p>1.2. Танлаш мақсади: 2022 йил учун “Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий, илмий журналини чоп этиш юзасидан бажарувчи ташкилотни аниқлаш.</p> <p>1.3. Танлашга қўйилган маҳсулотнинг нархи: “Ҳуқуқ ва бурч” журналининг 1 дона нашрини чоп этиш – 21000 сўмни ташкил этади.</p> <p>1.4. Буюртмачи томонидан танлашга таклиф этилган нархдан танлашда иштирок этувчининг таклиф этган нархи ошиб кетмаслиги керак.</p> <p>1.5. Хизмат кўрсатишнинг техник топшириғи танлаш ҳужжатларининг техник қисмида акс этитрилган.</p> <p>1.6. Танлаш таклифини расмийлаштириш шакли-электрон тартибда амалга оширилади.</p>
2. Танлаш ташкилотчилари.	<p>2.1. Танлашда “Буюртмачи” сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази иштирок этади. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 19-уй. СТИР: 201 453 166 Банк реквизитлари: “Adolat” milliy huquqiy axborot markazi davlat muassasasi H/r: 2021 2000 3001 2567 6003 “Mikrokreditbank” ATB Bosh ofisi. STIR 201453166 MFO:00433, OKED: 63110. Manzil:Toshkent sh. Amir Temur ko'chasi, 19-uy. Tel/faks: (71) 233-25-65 Эл.почта: info@adolatmarkazi.uz, https://xarid.uzex.uz/</p> <p>2.2. Ташкилотчининг алоқа рақамлари: А. Ўринов (90 176-54-42)</p> <p>2.3. Танлаш “Буюртмачи” кўрсатмасига асосан ташкил этилган танлаш комиссияси томонидан 7 (етти) кишидан иборат гуруҳ аъзолари иштирокида амалга оширилади.</p>
3. Танлаш иштирокчилари.	<p>3.1. Мазкур ҳужжатнинг 4.2.-бандида назарда тутилган юридик шахслардан ташқари фаолият туридан қатъий</p>

	<p>назар барча турдаги юридик шахслар, шунингдек, кичик бизнес субъектлари мазкур танлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.</p>
<p>4. Танлашни ўтказиш тартиби.</p>	<p>4.1. Танлашда қатнашиш учун танлаш қатнашчиси қуйидагиларни амалга ошириши лозим:</p> <p>а). Танлаш шартлари билан танишиш мақсадида “Буюртмачи”нинг махсус маълумотлар порталига жойлаштирилган танлаш ҳужжатларининг электрон шаклини юклаб олиши;</p> <p>б). Мазкур танлаш ҳужжатлари талабларига асосан танлаш (конкурс) таклифларини тақдим этиши.</p> <p>4.2. Танлашда қуйидаги юридик шахслар иштирок этишига рухсат берилмайди:</p> <p>а). Фаолияти тугатилиши арафасида турган юридик шахслар;</p> <p>б). Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд юридик шахслар;</p> <p>в). Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган ижрочилар;</p> <p>4.3. Буюртмачи, қуйидаги ҳолатларга кўра иштирокчиларни танлашда қатнашишдан четлаштиради:</p> <p>а). Тарафлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширса, шу жумладан, пора беришни таклиф қилса, ваъда берса, товламачилик қилса ва бошқа коррупциоген ҳолатлар амалга оширилса.</p> <p>4.4. Танлашда иштирок этиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида амалга оширилади. Агар бошқа давлат тилида тақдим этиладиган ҳужжатлар мавжуд бўлса, унда албатта ушбу ҳужжатлар ўзбек ва рус тилларида таржима қилинган ҳолда танлашга тақдим этилади.</p> <p>4.5. Танлаш иштирокчиси:</p> <p>а). Тақдим этилган ҳужжат ва маълумотлар учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади;</p> <p>б). Танлашга битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;</p> <p>в). Танлашда онлайн равишда иштирок этиш ҳуқуқига эга;</p> <p>4.6. Танлаш 2 (икки) босқичда амалга оширилади:</p> <p>а). Танлаш талабига кўра таклиф этилган нархни аниқлаш ва солиштириш;</p> <p>б). “Буюртмачи” томонидан танлаш иштирокчиларининг тақдим этган ҳужжатларига асосан талабларни сифатли, тез ва муддатида бажариш, ишлатиладиган маҳсулотлар тури, шунингдек, эълон шартларига мувофиқ бажариш муддати, тўловни амалга ошириш шартлари билан боғлиқ бошқа ҳолатлар ҳам баҳоланади.</p>
	<p>5.1. Танлаш иштирокчилари томонидан ҳужжатлар тақдим</p>

5. Танлашни ўтказиш муддати.	этилганидан кейин, комиссия аъзолари ушбу хужжатларни 10 кун муддат ичида ўрганиб чиқади.
6. Комиссия томонидан баҳолаш мезони ва тартиби.	<p>6.1. Баҳолаш мезони Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер хужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сон қарори ҳамда тегишли норматив хужжатлар асосида амалга оширилади.</p> <p>6.2. Танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезони таклифларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин 10 кун муддат ичида амалга оширилади.</p> <p>6.3. Баҳолаш мезони жараёнида танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган хужжатлардаги маълумотлар хақиқий эмаслиги аниқланса, комиссия ушбу иштирокчини танлашда қатнашишдан четлаштиради.</p> <p>6.4. Танлаш ғолиби берилган таклифлар ва баҳолаш мезонига асосан аниқланади.</p>
7. Шартноманинг расмийлаштириш тартиби.	7.1. Танлаш натижасига кўра танлаш ғолиби (юримдик шахс) билан 2 (икки) кун муддатда тегишли шартномалар расмийлаштирилади.


**Бош маслаҳатчи
(комиссия котиби)**



Б. Қодиров

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази директори**

 **Ф. Тожиев**

2022 йил “8” февраль

**“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази томонидан 2022 йил учун
“Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий, илмий журналини чоп этиш
мақсадида танлаш иштирокчилари тақдим этган ҳужжатларни баҳолаш
мезони бўйича**

М А Ъ Л У М О Т

Т/р №	Таклифларни баҳолаш тури	Белгиланган балл.
1.	Иштирокчи томонидан таклиф этилаётган нарх, буюртмани бажаришнинг аниқ муддати, тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари (аввалги бажарилган ишлар хусусидаги буюртмачи ташкилотлар томонидан берилган маълумотнома ва хулосалар асосида)	- 40 балл
2.	Ноширлик-матбаа фаолиятида камида 3 йиллик тажрибага ва ўз технологик базасига (ташкилот балансидаги босмахона станоклари ҳамда зарурий техник қурилмалар) эга бўлиши	- 20 балл
3.	Иш кучи (ходимлар). Энг кўп ишчи ходимларига ва соҳаси бўйича кўп йиллик меҳнат стажи ҳамда тажрибага эга бўлган даъво қилувчи ташкилот юқори баллар билан баҳоланади.	- 10 балл
4.	Молиявий кўрсаткичлар (тақдим этилган бухгалтерия ҳисоботларига кўра)	- 20 балл
5.	Иштирокчи томонидан танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълонда кўрсатилган ҳамда талаб этилган барча харид қилиш ҳужжатларини харид комиссияси аъзолари текшириши учун тақдим этиши	- 10 балл

Директорнинг биринчи
ўринбосари (комиссия раиси)


Директор ўринбосари

Бўлим бошлиғи

Бўлим бошлиғи

Бўлим бошлиғи

Бўлим бошлиғи




О. Файзуллаев




Ш. Бахранов



Ю. Нормуродов



Д. Иргашева



Қ. Хужжатов



М. Ахмедов